

**ЛОЙИХА-СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ  
ШАРТНОМАСИ № 51**

ФАРҒОНА ШАХРИ

2022 йил " 16 " ноябр

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Фарғонасувқуришнинг инвестиция» ДМ номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи директори Ш. Юлдашев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Fargonaumumtadbir Qurlovi» масъулияти чекланган жамият номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А. Абдурахмонов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тuzдилар.

### 1. Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан "Сўх тумани Ленбург МФЙ ҳудудидан ўтувчи Сух дарёсининг 2,5 км узунликдаги қирғоқларини мустаҳкамлаш" объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда: 2022 й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунги танлов хайъати йиғилиши баёнига асосан олган ҳолда жорий нархларда 134 500 000 (бир юз ўттиз тўрт миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади шундан муаллифлик назорати учун 500 000 (беш юз минг) сўмни ташкил этади ҚҚС билан.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 8 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ да буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: - қурилиш қийматини кўпайтириш енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; - Ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ва/ёки жалб қилинган қучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. Буюртмачининг рўхсатсиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

### 4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

### 5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарори 1-1-бандига асосан Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказилади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг, молия йили тугамасдан объект умумий шартномавий қиймати доирасида амалга оширилади.

5.3. Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## **6. Ишларни бажариш**

6.1. Пудратчи лойиха ишларига лойиха бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиха-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда, асосли ҳамда сифатли қилиб Буюртмачига топширади.

## **7. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

## **8. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

8.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

8.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачининг шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

8.3. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.4. Жарималарни тўлаш томонларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

8.5. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, томонлар келишув далолатномасини тузадилар, унга кўра, Буюртмачи 10 кун ичида, далолатнома имзоланган вақтдан бошлаб, Пудратчига қақикий харажатларини тўлаш шарт, ёки агар Пудратчи томонидан ўтказилган сумма Шартнома бўйича қақикий қилинган харажатдан ошса, иккинчиси юқоридаги далолатномани тарафлар имзолаган кундан бошлаб 10 кун ичида фарқ суммасини қайтаришга мажбур бўлади.

## **9. Низоларни ҳал қилиш**

9.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фағона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## **10. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар**

10.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харажатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу харажатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини қафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган хатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## **11. Шартномани бекор қилиш**

11.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарҳозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

11.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шарҳозлик ҳужжатларига ижобий ҳулоса

берилмаган тақдирда.

11.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни сует бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса. Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

11.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

11.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

## 12. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### «Буюртмачи»

«Фаргонасувқурилшнинг инвест» ДМ

Манзил: Фаргона ш. Ал-Фаргоний кўча №92 уй

Тел./факс: 73- 244-70-75

ШХР:

301821860304017049801170013

Ташкилотнинг СТИРи: 201 152 382

ИФУТ: 69 000

Фаргона вилояти буйича Ғазначилик

бошқармаси

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Хисоб-китоб-касса маркази

(ХККМ) МҒО: 00014 Ғазначилик

буюртмачининг

ҒИРНИ 201122919



Директор

Ш.Ю.Ланев

### «Пудратчи»

«FARG ONAUMUMTADBIRQURLOYINA» МЧЖ

Манзил: Фаргона ш. Фаробий кўча 11/18 уй

х.р.: 2020 8000 5045 7673 9001

Банк: АТБ «ТуронБанк» Фаргона филиали

МҒО: 00 446 ИНН: 300 196 437 ОКЭД: 71120

Тел: (99891) 110-91-93 Факс \_\_\_\_\_



Директор:

А.Абдурахмонов.